УДК 808.5

ЛИНГВИСТИК КОНЦЕПТОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

М.А. Абдувалиев

Мақолада лингвистик концептологиянинг муҳим тадқиқот объекти, тафаккур бирлиги, инсониятнинг ташқи ва ички олам ҳақидаги билимлари йиғиндиси бўлган концепт, унинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги талқини, билимларнинг инсон онгида концептуаллашув жараёнлари ўрганилган. Концептга хос белги-хусусиятларнинг лисоний ифода воситалари, семантик структураси, концепт, тушунча, маъно муносабатлари, шунингдек, концептни объективлаштирувчи бирликлараро систем муносабатлар, уларнинг майдоний хусусиятлари, умумий, дифференциал ва хусусий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *антропоцентрик парадигма, концепция, когнитив тилшунослик, суд лингвистикаси, тижорат лингвистикаси, гендер лингвистикаси, дифференциал белги, сўз маъноси*.

В статье важным объектом исследования лингвистической концепталогии является концепт, единица мышления, представляющий собой сумму знаний человека о внешнем и внутреннем мире, его интерпретация в мировом и узбекском языкознании, процессы концептуализации знаний в человеческом сознании, изучаются средства языкового выражения признаков концепта, семантическая структураконцепта, а также отношения между концептом, понятием и значением.

Ключевые слова: *антропоцентрическая парадигма, концепция, когнитивная лингвистика, судебная лингвистика, коммерческая лингвистика, гендерная лингвистика, дифференциальный признак, значение слова*.

Кириш

Жаҳон тилшунослиги ривожининг бугунги босқичига келиб концепт тил ҳодисаларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи, тилни антропоцентрик парадигма йўналишида тадқиқ этувчи тил фалсафаси, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика, лингвоконцептология каби қатор фанлар ҳамкорлигига асосланган фан йўналишларининг мустаҳкам ва фаол таянч тушунчасига айланиб улгурди.

Материал ва усуллар

Лингвистик концептологиянинг долзарб масалалари тадқиқи учун Г.В.Колшанскийнинг “Тилни англашда оламнинг объектив манзараси” [16], В.А.Маслованинг“ Лингвокультурология” [20], Т.В.Жеребилонинг “Лингвистик терминлар луғати” [9], Ў.Қ.Юсуповнинг “Концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида” [33], Ғ.М.Ҳошимов ва Ф.К.Юсупжоноваларнинг “Бош” концепти ва унинг турли тизимга мансуб тиллардаги репрезентацияси воситалари” [31] номли ишлари таҳлилга тортилди.

Муаммони ўрганишда қиёсий компонент, таснифий, статистик, шунингдек, лингвистик тавсифлаш таҳлил усуллари қўлланди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Турли фанлар ҳамкорлиги асосида шаклланган замонавий антропоцентрик тилшунослик йўналишлари концепт тушунчасига таянган ҳолда иш кўрсалар-да, ушбу тушунчанинг тавсифи, таснифи ва тузилиши борасида соҳа олимлари якдил эмаслиги кузатилади. Умумий когнитологиянинг муҳим йўналиши бўлмиш лингвокогнитологияда концепт талқини борасида бир-биридан фарқ қилувчи концепцияларнинг мавжудлиги унинг тавсифи, талқини борасида фалсафий, мантиқий, лингвистик, ижтимоий, психологик, маданий каби ёки уларнинг айримлари синтезига асосланган ёндашувлар мавжудлигидан деб биламиз. Масалан, Ўрта асрлар Европа фалсафасида концепт фалсафий категория сифатида нарса-

предметларнинг онг томонидан кашф этилган белги-хусусиятларини умумлаштирувчи, таркибида муҳим ахборот (маълумот) акс этган тушунча сифатида талқин қилинган. Бу борада П.Абел тушунча ва концепт муносабатлари масаласига мурожаат этар экан, концепт маъноларини ижодий талқин қилишга қодир юксак маънавият, онг ҳосиласи сифатида қараган [21. Б. 10-11]. Шунингдек, Т.В.Жеребилонинг “Лингвистик терминлар луғати”да концепт қуйидагича таърифланган: “Когнитив тилшуносликда хотира ментал лексикон, концептуал система ва мия тилининг оператив мазмунли бирлиги” [9. Б. 165].

Айрим мантиқшунос олимлар концептни инсониятнинг мантиқий фаолияти маҳсули сифатида қараш тарафдоридирлар. Филип Б.Гов таҳрири остида 1993 йилда нашр этилган Вебстернинг учинчи янги халқаро луғатида концепт тушунчасининг фалсафий ва мантиқий талқини қуйидагича қайд этилган: концепт хотирада тасаввур этилган нарса; фикр, ғоя, тушунча; фалсафий, умумий ёки мавҳум фикр; универсал тушунча (1); умумийлаштирувчи ментал операция ҳосиласи; идрок орқали мавҳумлашган умумий ментал образ; шунингдек, тўғридан-тўғри сезги орқали қабул қилинган фикр объекти (2); назарий ишланма (қурилма), мантиқий (1); маълум бир синф ёки мантиқ турларининг муҳим атрибутларини англатувчи тушунча; универсал термин ёки ибора ёхуд унинг маъноси (2); пропозиционал вазифа, мантиқий алоқа ёки хусусият; термин томонидан англашилган тушунча таркибига кирган барча нарсалар; концепция [35. Б. 469].

Инсон тили тадқиқида замонавий антропоцентрик фан йўналишларининг пайдо бўлишида муҳим рол ўйнаган омиллар қуйидагилардан иборат деб ўйлаймиз. Биринчидан, тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва инсон руҳий олами ўртасидаги муносабатлар тадқиқини амалга ошириш учун универсал таҳлил усул ва методларини яратишга бўлган заруратнинг юзага келганлиги; иккинчидан, ички ва ташқи олам ҳақидаги билимларнинг инсон онгида концептуаллашув жараёнлари борлиқдаги предмет-ҳодисаларга хос дифференциал белги-хусусиятларнинг лисоний манзара олиши, бунда унинг гносеологик, социал, маданий, руҳий, этник каби аспектларига таяниб иш кўришга бўлган қизиқишнинг ортиши; учинчидан, бугунги глобаллашув даврида янги билимлар, янги фан соҳалари пайдо бўлиши ва ривожида тилнинг роли, вазифалари миқёси кенгайганлиги; тўртинчидан, замонавий лингвистикада тармоқланиш зарурати пайдо бўлганлиги ва бу жараённинг жадаллашгани (суд лингвистикаси, тижорат лингвистикаси, гендер лингвистикаси) ва бошқалар.

Замонавий психолингвистика ва нейролингвистика бу борада илгари сурган назарияларга кўра, фикрлаш, тафаккур новербал хусусиятга эга, инсонлар онгида концептосфералар мавжуд, концептосфералар эса ментал бирлик бўлмиш концептлардан ташкил топади.

Тил ҳодисалари тадқиқига семантик-когнитив ёндашув тарафдорлари универсал предмет коди орқали амалга ошадиган инсон тафаккури новербал бўлиб, инсонлар айнан ўша кодланган концептлар орқали фикрлайдилар, деган фикрдалар [1, 4, 5, 6, 7, 10, 11, 12].

А.П.Бабушкин ва И.А.Стернин фикрича, “Концепт дискрет ментал тузилма бўлиб, у нисбатан тартиблашган ички стуктурага эга бўлган инсон тафаккури кодининг таянч бирлиги сифатида шахс ва жамиятнинг билиш (когнитив) фаолияти натижасини акс эттирувчи, ўзида предмет ёки ҳодиса ҳақидаги комплекс, энциклопедик маълумот, унинг ижтимоий онг томонидан интерпретацияси ва ижтимоий онгнинг ўша ҳодиса ёки предметга бўлган муносабатларини ташийди” [1. Б. 22].

Яна бир рус тилшунос олимаси Е.С.Кубрякованинг фикрига кўра, “Концепт ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир” [18. Б. 90] ёки концепт, ментал стуктура турли таркибли ва кўринишдаги билимлар йиғиндиси, умумлашмасидир.

Ўзбек тилшунос олимлари Ў.Юсупов, Ш.Сафаров, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Д.У.Ашу-рова, А.Э.Маматов, Б.Р.Менглиев, З.Т.Холматова, Ғ.М.Ҳошимов, Д.Худойбергановаларнинг концепт терминига берган таърифлари эътиборга лойиқ. Масалан, когнитив тилшуносликка оид рисола муаллифи профессор Ш.Сафаров: “Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади” [25. Б. 17] деб таърифласа, профессор Ў.Юсупов: “Концепт – бу ташқи ва ички дунёдаги бирор нарса ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий, нейтрал муносабат-

лар, яъни баҳолашлардир” деган таърифни беради [33. Б. 10].

Инсон онгида у ёки бу концепт борасида юзага келган билимлар моддий ва номоддий, инсонларнинг индивидуал, ижтимоий ва руҳий олами, керак бўлса, билимларнинг чегараси, функционал ва маданий хусусиятлари концептнинг муҳим атрибутлари сифатида намоён бўлади. Бундай сифатлар концептларни тилда объективловчи бирликлар семантикасида ўз ифодасини топади. Бизнингча, ментал жараёнлар ҳосиласи бўлмиш концептлар мазмун-мундарижасида у ёки бу предмет-ҳодисага хос муҳим ва иккинчи даражали белги-хусусиятлардан ташқари, унинг когнитив, вербал, лингвал, диалектал каби дифференциал белгиларига оид билимлар тизимли равишда шаклланади.

Профессор Ғ.М.Ҳошимов: “Концепт” деганда биз когнитив борлиқ билан бевосита боғлиқ бўлган ва тил иерархияси турли даражалари белги-бирликлари орқали репрезентациялашган олам манзарасини ифода этувчи ментал бирлик функциясини бажарувчи когнитив (концептуал) семантикани тушунамиз” деб ёзади [31. Б. 41].

В.А.Маслова В.В.Воробьёв томонидан лингвокультурологиянинг калит тушунчаси сифатида таклиф қилинган лингвокультуремани маданий концепт деб атайди. Маданий концептлар, унинг фикрича, мавҳум тушунчалар номлари бўлгани боис маданий ахборот сигнификат, яъни тушунча ядросига бирикади [20. Б. 37]. Бошқача тарзда айтадиган бўлсак, концепт ифодаси ўзига хос лингвомаданий воқелик бўлиб, у турли этномаданият вакилларига хос хусусиятларни ўзида жо қилган семантик тузилмадир. Лингвокультурология фанининг дарғаларидан бири В.Н.Телия: “Концепт – бу доимо тартибга солинган билим демакдир, у шунчаки объектнинг белгиларини акс эттирибгина қолмасдан, ушбу лисоний жамоада моҳият ҳақидаги билимларга оид барча белгиларни кўрсатади”, деган фикрни билдиради.

Ўзбек олимаси Д.Бахронова “Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера” номли мақоласида концептга қуйидагича таъриф беради: “Бизнингча, концепт инсон онгу шуурида дунё, воқелик ҳамда шахснинг ўзи ҳақидаги ахборот, билимлар ва баҳоларни тасаввур қилишнинг муайян тузилмалари кўринишида қоришиқ сақланади ва тизимланади [2. Б. 63].

Юқорида хориж ва ўзбек тилшунослари томонидан концепт борасида билдирилган тавсиф ва таърифларни эътироф этган ҳолда концептнинг қуйидаги таърифини тақдим этамиз: Концепт деганда инсон тафаккури, ҳаётий тажрибаси, кузатувлари, ташқи ва ички оламни билиш, унинг сир-синоатларини очиш, улардан ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида онгли ва мақсадли ментал-мантиқий фаолиятлари, универсал ва миллий концептуал қолиплар доирасида вужудга келган тизимлашган билимлар мажмуи, улар ҳақидаги вербаллашган ва вербаллашмаган, объектив ва субъектив баҳоларни тушунамиз.

Тафаккурнинг, хусусан, унинг таянч бирлиги бўлган концептнинг вербаллашуви ёки новербал жиҳатлари борасида ҳам турлича қарашлар мавжуд. В.В.Красних бу борада фикр билдирган олимларни икки гуруҳга ажратади ва уларни вербалистлар (М.Мюллер, В. фон Гумбольдт, Ф.Шлейермахер, Ф. де Соссюр, А.А.Реформатский) ва антивербалистлар (Н.И.Жинкин, Ж.Пиаже, Б.А.Серебренников, П.Я.Гальперин, И.Н.Горелов, К.Ф.Седов, А.П.Бабушкин, И.А.Стернин) деб номлайди [1. Б. 24; 17. Б. 14].

А.П.Бабушкин ва И.А.Стернинлар фикрига қўшилган ҳолда, тафаккур (концепт)нинг вербал ва новербал хусусиятларини фарқлаш тарафдорлари бўлган олимларнинг яна бир гуруҳини фарқлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу гуруҳга мансуб олимларни “компромиссчилар” деб аташни тавсия этамиз. Шуниси эътиборга лойиқки, тафаккур, унинг таянч бирлиги бўлмиш концепт билимлар захираси сифатида, тайёр “маҳсулот” сифатида мавжуд бўлади. У маълум коммуникатив контекстларда унга бўлган эҳтиёж, зарурат туфайли лисоний “либос” олади, вербаллашади. Бундай фикрдаги олимлар сони кўпчиликни ташкил этади (А.Н.Леонтьев, Л.С.Виготский, В.В.Красних, Ғ.М.Ҳошимов, А.П.Бабушкин, И.А.Стернин, Ў.Қ.Юсупов, Ш.Сафаров ва бошқалар).

Замонавий тилшунослик ҳамда психолингвистикада сўнгги йилларда бу борада пайдо бўлган концепциялар тафаккур ва концептнинг ҳам вербал, ҳам новербал томонлари мавжудлигидан далолат бермоқда. Масалан, В.В.Красних шундай ёзади: “Қандай бўлмасин, тақдим этилган барча нуқтаи назарларга кўра, барибир тафаккур ва онг турли феномен-

лар экан, бир-бирлари билан яқин алоқада бўладилар. Агар тафаккурнинг амалга ошиши сўз ёрдамида содир бўлади, деб эътироф этиш қийин бўлса, унда онгнинг лисоний табиати ҳақида гапириш тўла мумкин бўлади, деб ўйлайман. Бу, айниқса, инсоннинг нутқий фаолиятини тадқиқ этаётган лингвистлар қарашларида яққол намоён бўлади" [17. Б. 15].

Тафаккур ёки концептнинг вербал ва новербал икки томонини тирноқ билан эт бирлигига таққослаш мумкин. Бошқача тарзда ифода этадиган бўлсак, тафаккур борлиқ ҳақидаги ахборот, маълумотларни қабул қилиш, идрок этиш, таҳлил этиш ва тартиблаштириш вазифасини бажаради. У орқали пайдо бўлган билимлар ёки концептлар онгга муҳрланади. Маълум предмет-ҳодисага хос белги-хусусиятларни ташкил этувчи билимлар миқёси кенгайиб, чуқурлашиб борадики, бунда тил билиш воситаси ёки қуроли вазифасини бажаради. Янги пайдо бўлган когнитив белги-хусусиятлар у ёки бу тарзда лисоний манзара касб этиб, тилда ўзининг мувофиқ номинациясига эга бўлиб боради.

Концептнинг тавсифи ва таснифи унга ёндош бўлган маъно, тушунча, концептосфера, концепт номинацияси, структураси, ёрқинлик даражаси кабилар билан бўлган муносабатларига алоҳида тўхталишни тақозо этади.

Тилшунос олимларнинг тушунча ва маъно муносабатлари борасидаги қарашлари турлича бўлиб, уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Масалан, биринчи гуруҳ вакили Г.В.Колшанский фикрича, тушунча ва маъно атамалари бир хил мақомга эга бўлиб, тушунча тафаккур ва мантиқ илмига, маъно тил илмига хос терминлардир. Иккинчи гуруҳга мансуб олимлар, масалан, В.А.Звегинцев ва бошқалар тушунча ва маъно бир-биридан фарқли хусусиятларга эга эканлигини таъкидласалар [13. Б. 61; 33. Б. 10-11], учинчи гуруҳ намояндалари Б.Ю.Городецкий ва С.Д.Кацнельсонлар бу масалада нейтрал позицияни эгаллаб, тушунча формал ва мазмунли бўлиши, сўз маъноси формал тушунчага мос келиши мазмунидаги фикрни олға сурадилар [8. Б. 90; 15. Б. 18].

С.Д.Кацнельсон назарда тутган формал тушунча нарса-ҳодисанинг бошқа предмет-ҳодисалардан фарқловчи муҳим ва минимал белгиларининг тилда акс этиши бўлса, мазмунли тушунча предмет ҳақидаги билимлар кенгайиб, чуқурлашиб бориши оқибатида пайдо бўлган унга хос янги белги ва жиҳатлардир [15. Б. 18]. Сўз маъноси ҳақида гап борганда, А.А.Потебня сўзнинг яқин ("*ближайшее*") ва узоқ ("*дальнейшее*") маъноларини фарқлайди. Сўзнинг яқин маъноси мулоқот иштирокчилари учун бирдек маълум ва тушунарли маъно бўлса, унинг узоқ маъноси фақат маълум шахсга тушунарлилиги билан фарқ қилади [24. Б. 19]. Демак, С.Д.Кацнельсон концепт мазмунли ва формал тушунчалардан таркиб топишини эътироф этса, А.А.Потебня сўзнинг яқин ва узоқ маънолари концептни ташкил этади, деган фикрни билдиради.

Сўз маънолари инсон онгидаги мавжуд тушунчаларнинг лисоний муқобиллари бўлиб, тушунча тил ва нутқ бирликлари маъносида ўз аксини топади, воқелашади. Масалан, ўзбек тилидаги анатомияга оид "юрак" сўзи бешта, унинг инглиз тилидаги муқобили "heart" сўзи эса олтита турли тушунча ва маъноларни туб сўз сифатида ифода этади. Ушбу лексема бошқа турли сўзлар билан бирикиб (сўз бирикмаси, фразеологик бирлик, ясама ва қўшма сўзлар, гап, паремия, матн таркибида), турли маъноларни ифодалаб келади: *heart rate, heartily, heart, have ones heart in one's mouth, read people's hearts, Nothing is impossible to a willing heart* (Мақол: Хоҳиш бор жойда, имконият бор), юракзада, юраксиз, юрак тепиши, юраги қон, юраги ёрилмоқ: Муҳаббат кўзда бўлмайди, юракда бўлади (*Мақол*). Хоин қони челакка томар, ботир қони юракка (*Мақол*).

Профессор Ў.Қ.Юсупов тушунча ва концепт муносабатлари борасида қуйидаги фикрларни ёзади: "Агар тушунча ва унинг тилдаги муқобили бўлган сўз маъноси ўша аталаётган предметнинг ёки ҳодисанинг бошқа: предмет ва ҳодисадан ажратувчи энг аҳамиятли белгиларини акс эттирса, концепт унинг (предмет ёки ҳодисанинг) маълум бўлган барча белгиларини, шу жумладан, иккинчи даражали белгиларини ҳам акс эттиради" [33. Б. 11].

Концептнинг пайдо бўлиши тушунча асосида содир бўлади: предмет ёки ҳодисани ифода этувчи тушунча, унга хос белги-хусусиятлар, баҳолар ва образлар миқёси кенгайиши орқали концепт пайдо бўлади ва концептнинг таркибий қисмини ташкил этади.

Профессор Ў.Қ.Юсупов бу борада эътиборни жалб этадиган фикрни айтади, яъни "тушунча энди пайдо бўлганда, у билан концепт ўртасида фарқ бўлмайди, шу сабабдан бундай

пайтларда тушунча атамаси ўрнида концепт атамасини бемалол қўллаш мумкин” [33. Б. 11]. Ушбу фикрдан шундай хулоса келиб чиқадики, аниқ бир предмет, ҳодиса борасида пайдо бўлган дастлабки белги(лар) концепт пайдо бўлиши учун асос ролини бажаради. Демак, янги пайдо бўлган тушунча концепт мақомига тенглашиши мумкин.

Предмет ёки ҳодисага хос тушунчалар миқёсининг сифат ва миқдор жиҳатидан кенгайиб бориши концепт мазмун-мундарижасида ҳам ўз аксини топиши тайин. Масалан, ўзбек тилида “қулоқ” соматизмини ифодаловчи сўз маъносининг кенгайиши мустабид шўро тузуми томонидан 1929–1933 йилларда қароллар, камбағаллар, деҳқонларнинг ёлланма меҳнатидан фойдаланувчи катта ер эгаси, қишлоқ бойи ёки ўртаҳол деҳқонларни “қулоқ”, “муштумзўр” номи остида синф сифатида тугатиш сиёсати туфайли юз берган. Автомобиль, трактор ва шу каби машиналарни бошқариш учун хизмат қиладиган қурилма – “руль” маъноси ўзбеклар ҳаётига техник қурилмалар, машиналарнинг кириб келиши натижаси сифатида пайдо бўлган бўлса ажабмас. Ёки инглиз тилидаги “hand” лексемасининг маъно қўлами уларнинг ҳаётига бурама механизмли соатларнинг кириб келиши туфайли соатларнинг сонларини – соат, дақиқа ва сонияларни кўрсатувчи қисми сифатида кенгайган деб ўйлаймиз. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, тушунча семантик таркибининг кенгайиши концепт белги, хусусиятлари (атрибутлари) қўламининг кенгайиши, унинг лисоний ифода воситалари сонининг ортишига ёки янги ифода воситаларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай ўзгаришлар тасодифий бўлмай, қатор лингвистик ва экстра лингвистик омиллар билан боғлиқ бўлади.

Замонавий тилшуносликда лексик маъно турларини сема, семема, семантема терминлари орқали аташ анъанаси ҳам мавжуд. Сема маъно компоненти, семема лексеманинг семантик варианти, семантема эса лексеманинг барча семалари йиғиндиси маъносида қўлланади. Масалан “hand” лексемаси 21 та семантик вариантдан, 1-лексик семантик вариант 3 та (a, в, c), иккинчиси 2 та (a,в), учинчиси 3 та (a, в, c), ўн биринчиси тўртта (a, в, c, d), 12-, 14-, 15-, 18-, 19-, 20-, 21-лари биттадан семаларга эга. Ушбу семаларнинг умумий йиғиндиси семантемага мисол бўлади [34. Б. 1026]. Ўзбек тилида эса “қўл” лексемаси 10 та семема (семантик вариант)дан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири биттадан семага эга. Демак, “қўл”нинг 10 та семаси унинг семантемасини ташкил этади [30. Б. 402). Маъно ҳам, концепт ҳам инсон миясидан ўрин олган, онг орқали объектив ва субъектив оламни акс эттириш ва билиш натижаси деб ҳисоблаш мумкин, чунки концептнинг мазмун-мундарижасини ташкил этувчи когнитив белгилар борлиқнинг маълум томонлари ёки қисмларини ўзида акс эттирса, сўз маъноси, яъни семема ва унинг таркибидаги семалар концепт мундарижасини ташкил этувчи когнитив белгиларнинг нуткдаги репрезентантларидир. Улар ўртасидаги муҳим фарқли томон шундаки, концепт инсоннинг когнитив тафаккури маҳсули бўлса, маъно тил тафаккури маҳсулидир.

Маъно концептнинг инсонлар жамоаси томонидан мунтазам қўлланадиган, мулоқот вақтида тил бирлиги (белгиси) орқали ифодаланиб, ушбу жамоа учун коммуникатив жиҳатдан релевант ҳисобланган қисмидир. В.М.Пименова бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Сўз ва концепт муносабатларини айсбергнинг кўринадиган ва кўринмайдиган қисмларига ўхшатиш мумкин. Лексик маъно компонентлари муҳим концептуал белгиларни ифода этади, лекин тўлалигича эмас. Концептнинг лексик маънога нисбатан қўлами кенгроқ... Концепт структураси лексик маъно структурасидан кўра анча мураккаб ва серқиррадир” [23. Б. 7].

А.П.Бабушкин ва И.А.Стернин маънонинг икки турини, яъни луғавий лексикографик маъно (изоҳли луғатларда кодлашган маъно) ва тил эгалари онгида муҳрланган маънони фарқлайдилар [1]. Шунингдек, ҳозирда тилшунослар сўзнинг психолингвистик маъноси мавжудлиги ҳақида ёзмоқдалар [1; 28. Б. 57-63; 19. Б. 156-169; 22. Б. 261].

И.А.Стернин сўзнинг психолингвистик маъносига қуйидагича таъриф беради: “Сўзнинг психолингвистик маъноси – бу тил эгалари онгида мавжуд товуш қобиғи билан реал боғланган барча семантик компонентларнинг тартиблашган бирлигидир. Бу семантик компонентларнинг шундай қўламики, у тил эгалари онгидаги алоҳида олинган сўзни у ёки бу даражада ёркинликка эга ядровий ва периферик семантик компонентларни пайдо қилувчи компонентлар билан биргаликда фаоллаштиради” [28. Б. 5].

И.П.Овчинникова психолингвистик маъно деганда, лисоний тафаккурдаги сўз билан

боғлиқ маънони аниқлашга имкон берувчи экспериментал маълумотларни интерпретациялашни тушунади [22. Б. 261].

Концептосфера концептларнинг тартиблаштирилган йиғиндисидан иборат бўлиб, ҳар бир халқ, миллат ўз концептосферасига эга. А.П.Бабушкин ва И.А.Стернин концептосферага қуйидагича таъриф берадилар: “Концептосфера – бу тафаккур манзаралари, схемалари, тушунчалари, фреймлари, сценарийлари, гештальтлари (ташқи оламнинг у ёки бу даражадаги мураккаб комплекс образлари), ташқи оламнинг турли белгиларини умумлаштирувчи мавҳум нарсалар сифатида мавжуд бўлган концептлардан иборат тафаккур соҳасидир” [1. Б. 17]. Халқ, миллат концептосферасининг каттагина қисми лисоний манзара касб этганлиги боис ҳам у когнитив тилшуносликнинг ўрганиш предметлари сирасига киради.

Таҳлиллар турли миллатлар концептосфераси таркиби бир хил эмаслиги, уларнинг бир қисми айрим миллат ва тилларда мавжуд эмаслигини кўрсатди. Масалан, ўзбек миллатида мавжуд сандал, нос, палов, чимилдиқ, дўппи, кафан, паранжи кабилар инглиз миллатида мавжуд эмас. Шунингдек, инглиз миллий-маданий концептосферасидан ўрин олган sandwich (икки бўлак нон орасига ёғ, гўшт, пишлоқ ва бошқалар солинган егулик), coffin (тобут), cardigan (кийим), Christmas (Исо пайғамбар туғилган куни сифатида 25 декабрда нишонланадиган байрам) каби концептлар ўзбек миллати концептосферасида мавжуд эмас. Ҳинд миллатига хос holi (одамлар бир-бирларига ранг қўшилган сув ёки ранг упасини сочиб нишонланадиган баҳор байрами), ўзбекларга хос қулоқчўзма, рус миллатидаги пасха, щи, немис тилидаги butterbrot, турк тилидаги лаваш, итальян тилидаги pizza (пицца) кабилар ҳам миллий концептлар сирасига киради.

Мисоллар шундан далолат берадики, ҳар бир халқ оламни ўзича турфа бўлакларга ажратади ва уларни ўзича номлайди. Бундай ҳол лакуналар пайдо бўлишига сабаб бўлади. “Бундай лакуналар, – деб ёзади профессор Ў.Қ.Юсупов, – халқлар ўртасидаги миллий-маданий фарқларни, тилларнинг дунёнинг айрим қисмларини турлича акс эттиришини ва уларни турлича категориялаштиришини ёки концептуаллаштиришини, миллатнинг илмий-техник тараққиёт даражасини яққол кўрсатади” [33. Б. 12]. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир тил олам ҳақида ўз манзарасига эга бўлиб, у индивидлар ва миллат онгида муҳрланган бўлади. Тил эгалари у ёки бу жумла мазмунини шакллантиришда айнан ўша миллий манзарага таянган ҳолда иш кўради.

Тиллардан бирида лакуналарнинг мавжудлиги кўпинча унга мос денотатнинг йўқлигидан эмас, балки ўша маданият учун бундай фарқнинг аҳамияти йўқлигидан ҳам бўлади. Бундай ҳол концептларнинг белги-хусусиятларида ҳам яққол кўринади. Масалан, инглиз тилидаги “step” (қадам)ли “step mother” (brother, child, daughter, daughter, father), ўзбек тилида “қадамгоҳ”, “қадамжо(й)” кабилар ўзига хослик касб этади.

Концептларнинг миллий ўзига хослиги миллий концептосферадаги эквивалентсиз концептларда аниқроқ кўринади. Бундай концептлар эквивалентсиз тил ва нутқ бирликларида намоён бўлади, чунки айнан шундай бирликлар миллат тафаккуридаги концептнинг уникаллиги ва миллий ўзига хослигини кўрсатиб келади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, концептнинг сўз орқали ифодаланмаслик ҳолати бошқа тилда эквивалент концепт йўқ дегани эмас. У тасвирий йўл билан ўз ифодасини топади. Бу тоифа концептларнинг мавжудлиги, лекин улар лексик бирликлар орқали ифода топмаслиги бундай концептлар ўша миллат, халқ учун нофаол эканлигидан далолат беради. Булар жумласига махсус лисоний ифодаси мавжуд бўлмаган рус тилидаги “новожилы”, “старожены”, немис тилидаги ташқи кийим, ўзбек тилидаги болани дунёга келтирган, лекин уни тарбияламаган она (ёки ота) концептларини киритиш мумкин.

А.П.Бабушкин ва И.А.Стернинлар лакуналарнинг моҳиятига кўра 6 та типини фарқлайдилар:

- предметлик ва мавҳумлик хусусиятига эга лакуналар;
- жинс-турга мансуб лакуналар;
- бир тилга мансуб ва тиллараро лакуналар;
- мотивлашган ва мотивлашмаган лакуналар;
- номинатив ва стилистик лакуналар;
- сўз туркумларига мансуб лакуналар [1. Б. 38]

Муаллифлар предмет лакуналар деганда сезгилар орқали қабул қилинаётган нарса ёки ҳодисанинг материал, физик томони мавжуд эмаслигини назарда тутсалар, мавҳум

лакуналар орқали мавҳум тушунчанинг мавжуд эмаслигини тушунадилар. Масалан, қирғиз ва ўзбеклар учун “қимиз”, қозоқлар учун “бешбармоқ”, инглизлар учун “applepie” предмет лакуналар бўлса, ўзбек ва рус тилларида “воқеа содир бўлгандан кейин келган фикр” (“мысль пришедшая позднее, после произошедшего события”), инглиз тилидаги “afterthought” (ёрдам беришга тайёр”), немис тилидаги “hilfsbereit” мавҳум лакуналардир. Одатда лакуналар тилларнинг лексик тагсистемаси бирликларини чоғиштириш орқали аниқланади. У ёки бу чоғиштирилаётган тилда сўз лексик система бирлиги сифатида мавжуд бўлмаса, ушбу тилнинг семантик структурасида мос семема мавжуд эмаслигидан далолатдир.

Лексик системадаги мавжуд лакуналар, одатда, қуйидаги тартибда тадқиқ этилиши мумкин:

а) тил лексик тагсистемасидаги лакуна бошқа бир тил тагсистемасини ўрганиш, таҳлил этиш орқали аниқланади;

б) қиёсланаётган тил бирлигининг семик таркиби, яъни маънолари таҳлили орқали у ёки бу тилда йўқ маъно кашф этилади;

в) мазкур маънонинг семик таркиби тилдаги лакуна мазмунини тасвирлаш учун фойдаланилади.

Масалан, ўзбек тилидаги қирқ саноқ сони асосан икки маъноли, инглиз тилидаги “forty” эса 9 маъноли сўзлар бўлиб, уларнинг семик таҳлили ўзбек тилидаги унинг киши вафотидан сўнг ўттиз еттинчи ёки ўттиз тўққизинчи куни ўтказиладиган маросим маъноси инглиз тилида мавжуд эмаслигини кўрсатади. Демак, ўзбек-инглиз лакунаси инглиз тили лакунаси бўлиб, у ўзбек тили фони (фон бирлиги) орқали аниқланди.

Жинс лакуналар маълум тоифа предметларни номлайдиган лексик бирликларни англатса, тур-тоифа лакуналар предмет, ҳодисаларнинг алоҳида турларини номловчи бирлик мавжуд эмаслигини англатади. Масалан, немис ва инглиз тилларида “бобо” ва “буви” учун умумий номинатив лексик бирликлар “Grosseltern” ва “Grandparents” мавжуд бўлгани ҳолда, рус ва ўзбек тилларида бундай махсус бирликлар мавжуд эмас. Шунингдек, инглиз тилида “hand” сўзи қўлнинг билакдан панжа учигача бўлган қисмини, “arm” эса билакдан то елкагача қисмини дифференциал тарзда ифодалаб келса, ўзбек тилида бундай дифференциал бир сўзли лексемалар мавжуд эмас. Бу вазифа “қўл” умумий лексемаси зиммасига тушада.

Тиллараро лакуналарга юқорида тўхталингани боис, тил ички лакуналарига тўхталамиз. Бу тоифа лакуналар сирасига уларнинг маъноларига тескари бўлган сўзнинг мавжуд эмаслиги (“glass cutter”, “glass eyes”, “glass cloth”, шиша кўз, бошчи, бошпурт) маълум нутқ услубига хос бирликнинг мавжуд эмаслиги (қўл, бош, лаб, нон, давомат кабилар) ёки сўзнинг у ёки бу морфологик шаклининг йўқлиги (масалан, инглиз тилидаги “man”, “foot”, “teeth”), отларда кўплик шакли ясовчи (“*-s”*)нинг мавжуд эмаслиги кабилар киради.

Мотивлашган лакуналар миллий маданият ёки халқ ҳаётида мавжуд бўлмаган нарса ёки ҳодисотлардир (русларда “щи” ёки “матрешка”, ўзбекларда “палов” ёки “салла”). Мотивлашмаган лакуналар шундай лакуналарки, уларнинг у ёки бу халқ ҳаётида мавжуд нарса-ҳодисаларнинг сўз орқали ифодаси йўқ. Ўзбек тилидаги “намоз”, “жойнамоз”, рус тилидаги “сутка”, “кипяток” кабилар ғарб тилларида мос ифодасига эга эмас.

Лакуналарнинг яна бир типи – бу номинатив лакуналардир. Бунда предметни атовчи бирлик ёки унинг эмоционал ва баҳолаш номинацияси мавжуд бўлмайди (итальянча “макарон” денотати рус ва ўзбек тилларида махсус номинациясига эга эмас).

Ўзбек тилидаги сийдик тута олмаслик, рус тилида “мочеиспускание”нинг стилистик жиҳатдан нейтрал ифодаси мавжуд эмаслиги стилистик лакунага мисол бўла олади.

Лакуналар маълум сўзлар синфи ёки туркумига мансуб бўлгани учун уларни у ёки бу сўз туркумига (от, феъл, сифат, сон) мансуб лакуналар деб аташ мумкин бўлади. Ўзбек ва рус халқлари бирор нарсани маъқуллашни англатадиган “қарсак чалмоқ” феъл лакунасига эга бўлгани ҳолда бу учун инглиз тилида “acclaim” феъли мавжуд.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, ҳар қандай миллат тилидаги ҳар қандай лакуна ундаги бошқа лисоний ва нутқий воситалар (масалан, сўз бирикмалари, изоҳ ва тасвирий йўл) орқали ўз ифодасини топиши мумкин: hander – in = a textile worker who assists in the drawing = in of the warp; hand horse (dial) = the near horse; flexitime = эркин иш тартиби; hand over fist (adv) = тез ва катта миқдорда; hairbrush = соч

тароқ; hairy – foot = еб бўлмайдиган қўзиқорин. Мисоллардан у ёки бу концептнинг турли тилларда турлича структурага эга номинациялари бўлиши мумкинлиги, лекин улар лакуна мақомига эга эмаслиги кўриниб турибди.

Концептнинг таркиби борасида ҳам тилшунос олимларнинг фикрлари турлича. Профессор Ш.Сафаров фикрича, “Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади” [25. Б. 17]. С.Г.Воркачевга кўра эса, концепт таркибида тушунча, образ ва этимологик-ассоциатив белгилар бор [3. Б. 7]. В.И.Карасик концепт таркибида образ, тушунча ва баҳолаш когнитив белгилари бор, деган фикрни айтади [14. Б. 118]. Ю.С.Степанов концепт таркибида узуаллик касб этган ҳаммага ва айрим кишиларга маълум бўлган нарса ҳақидаги ахборот ва этимологик ахборот борлигини ёзади [27. Б. 30]. Ю.С.Степанов ҳар бир концепт таркибида уч қатлам (“*слой*”) мавжудлигини таъкидлайди: 1) ҳар бир маданият эгасига маълум асосий актуал белги ва у учун аҳамиятли қатлам; 2) маданият эгаларининг алоҳида гуруҳи учун актуал бўлган қўшимча белги ёки пассив белгилар; 3) концептнинг ички шакли, кундалик ҳаётда сезилмайдиган, мутахассисларгагина маълум бўлган, концепт ифодасининг ташқи белгисини аниқлаштирувчи қатлам [27. Б. 41-42]. А.П.Бабашкун ва И.А.Стернин “Концепт майдон тамойили асосида ташкил топади ва у ўз ичига ҳиссий образ, ахборот мазмуни ва интерпретацион майдонни олади” деб ҳисоблайдилар [1]. Улар концептнинг структураси ва мазмунини чегаралайдилар. Унинг мазмуни концептуаллашаётган предмет ёки ҳодисанинг алоҳида белгиларини акс эттирувчи когнитив белгилардан иборат бўлади. Концептнинг структураси ҳиссий образ, ахборот мазмуни ва интерпретацион майдон каби турли когнитив табиатли асос структур компонентлардан иборат бўлади.

Концепт тадқиқига лингвокультурология нуқтаи назаридан ёндашув тарафдорлари Ю.С.Степанов ва В.В.Колесовлар концептни кўп ўлчовли глобал структура сифатида қараб, у тушунчалар, эмотив-баҳо блоки, тарихи ва этимологиясидан иборат деб ҳисоблайдилар. Улар концептда универсал (умуминсоний) ва маданий компонентларни фарқлайдилар. М.В.Никитин эса концепт таркибида образ, тушунча, когнитив импликация ва прагматик импликация мавжудлигини таъкидлайди.

Демак, турли илмий мактаблар концептнинг асосий таркиби борасида якдил эканликларини кузатиш мумкин. Улар концепт таркибида образ, ахборот, тушунча, ядро ва бир қанча қўшимча белгиларни фарқлайдилар.

Бизнингча, концепт ментал тузилма бўлиб, тизимлашган ва тартиблашган таркибга эга ва бу таркиб образ, тушунча, етакчи ва иккинчи даражали, объектив ва субъектив, ёрқинлик даражаси турлича бўлган когнитив белгилар ва баҳолардан иборат.

Онгдаги концептлар ва уларнинг таркибига кирган тушунчалар содда ёки нисбатан мураккаб таркибли тил ва нутқ бирликлари семантикаси орқали вербаллашади, лисоний манзара олади. Бу бирликлар, Ў.Қ.Юсуповнинг ёзишича, сўз (туб, ясама, қўшма ва мураккаб сўзлар) фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, паремиялар, нутқ клишелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар, шу жумладан, фольклор матнлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин [33. Б. 12]. В.И.Карасикнинг ҳам тўғри таъкидлашича, концепт ифодаловчиси концептнинг мазмунини тўғридан-тўғри ва билвосита ифодаловчи ва тараққий эттирувчи лисоний ва нолисоний воситалар йиғиндисидир. А.П.Бабушкин, И.А.Стернин буларни концептнинг номинатив майдони деб атайдилар ва унга қуйидагича таъриф берадилар: “Жамият ривожининг маълум даврида концептни объективлаштирувчи (вербаллаштирувчи, репрезентацияловчи, ташқарига чиқарувчи) тил бирликларининг йиғиндисини концептнинг номинатив майдони деб таърифлаймиз” [1].

Мазкур таърифни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, концептларнинг ифода воситалари кўлами, уларнинг коммуникатив нуқтаи назардан релевантлик даражаси бевосита ёки билвосита ифода имкониятларига кўра турлича бўладилар. Шу жиҳатдан концептнинг номинатив майдони концептни тўғридан-тўғри яхлит номловчи ва унинг бирор белгиси, маъноси ва турли мулоқот вазиятларида унга бўлган муносабатларни ифодаловчи, қўлланилиши чегараланган ифода воситаларидан иборат бўлиши мумкин. Биз уларни биринчи даражали ва иккинчи даражали лисоний ва нутқий бирликлар деб атаймиз. Биринчи даражали бирликлар номинатив майдоннинг ядроси (маркази)дан ўрин олса, иккинчи даражали бирликлар унинг периферия қисмини эгаллайди. Бу майдон турли тил сатҳлари миқёсида

турлича кўриниш олиши мумкин. Масалан, тўсиқсизлик, мақсад, шарт, сабаб, пайт, ўрин концептларининг синтактик майдони содда, мураккаб, қўшма, аралаш типдаги синтактик коммуникатив бирликлар ва матндан иборат бўлса, лексик-фразеологик майдони туб, ясама, қўшма, мураккаб таркибли сўзлар, фразеологик бирликлар, паремиялар ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, концепт майдони макро- ёки микромайдонларга бўлиб тадқиқ этилиши ҳам мумкин. Масалан, Н.М.Маҳмудованинг “Инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг когнитив ва прагматик жиҳатларининг қиёсий таҳлили” номли филология фанлари бўйича фалсафа доктори даражасини олиш учун ёзган диссертациясида муаллиф градация концептининг номинатив макромайдонини ташкилловчи фонетик, морфологик, семантик, фразеологик, синтактик ва текстологик (дискурсив) бирликларини аниқлаган ва уларга хос умумий ва хусусий жиҳатларни кўрсатиб берган [36. Б. 18–21].

Градация концептининг лексик-семантик индикаторлари ёки бошқалар градация концептининг микромайдони сифатида тадқиқ этилиши бу борадаги когнитив лисоний билимларнинг янада такомиллашуви ва чуқурлашувига хизмат қилади. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори Н.Р.Юсупова ўзбек, рус ва инглиз тилларида миқдор концептини ифодаловчи лексик-грамматик воситаларни аниқлаган, ноаниқ оз миқдор лексик-семантик майдонига мансуб лексик бирликларнинг умумий, ўхшаш ва хусусий жиҳатларини ёритиб берган [37. Б. 16–20].

Хулоса

Юқорида таҳлил этилган ёндашувлар бир-бирини тўлдиради ва лингвокогнитология, хусусан, унинг янги тармоғига айланиб улгурган лингвистик концептларнинг назарий ва методологик асослари ривожига хизмат қилади. Умуман олганда, замонавий тилшуносликда “концепт” тушунчасининг турлича талқинлари, тавсифлари ва таснифлари мавжуд бўлиб, улар асосида масалага антропоцентрик тилшуносликнинг турли йўналишлари нуқтаи назаридан ёндашувлар ётади.

Адабиётлар:

1. *Бабушкин А.П., Стернин И.А*. Когнитивная лингвистика и семасиология. Монография. – Воронеж: ООО “Ритм”, 2018. – 229 с.

2. *Бахронова Д.* Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера // Хорижий филология. – 2019. – № 3. – Б. 62-68.

3. *Воркачев С.Г.* Счастье как лингвокультурный концепт. – Москва: Гнозис, 2004. – 1992 с.

4. *Выготский Л.С.* Мышление и речь // Выготский Л.С. Собр. соч. В 6ти томах. – Москва: Педагогика, 1982 – Т.2. – 502 с.

5. *Горелов И.Н.* Невербальные компоненты коммуникации. – Москва: Наука, 1980. – 238 с.

6. *Горелов И.Н.* О вербальных и невербальных составляющих речевого поведения // Вопросы психолингвистики. – 2003. – №1. – С. 13-18.

7. *Горелов И.Н., Седов К.Ф*. Основы психолингвистики. – Москва: Лабиринт, 1998. – 256 с.

8. *Городецкий Б.Ю.*К проблеме семантической типологии. – Москва: Издательство Московского университета, 1969. – 564 с.

9. *Жеребило Т.В.* Словарь лингвистических терминов. Изд. 5-е, исправленное и дополненное.– Назрань: ООО “Пилигрим”, 2010. – 485 с.

10. *Жинкин Н.И.* Механизм речи. – Москва: Издательство Академии педагогических наук, 1958. – 370 с.

11. *Жинкин Н.И.* О кодовых переходах во внутренней речи // Жинкин Н.И. Язык. Речь. Творчество. – Москва: Лабиринт, 1998. – С. 146 – 162.

12. *Жинкин Н.И.* Речь как проводник информации. – Москва: Наука, 1982. – 157 с.

13. *Звегинцев В.А.* Теоретическая и прикладная лингвистика. – Москва: Просвещение, 1968. – 334 с.

14. *Карасик В.И.* Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Москва: Гнозис, 2004. – 389 с.
15. *Кацнельсон С.Д.* Содержание слова, значение и обозначение. – Москва-Ленинград: Наука, 1965. – 108 с.
16. *Колшанский Г.В.* Объективная картина мира в познании языка – Москва: Наука, 1990. – 108 с.
17. *Красных В.* "Свой" среди "чужих": миф или реальность? – Москва: Гнозис, 2003. – 375 с.
18. *Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Лузина Л.Г., Панкрац Ю.Г*. Краткий словарь когнитивных терминов. – Москва: Издательство Московского государственного университета, 1996. – 245 с.
19. Леонтьев А.А. Психолингвистический аспект языкового значения // Принципы и методы семантических исследований. – Москва: Наука, 1976. – С. 156-169.
20. *Маслова В.А.* Лингвокультурология: Учебное пособие. – Москва: Академия, 2001. – 208 с.
21. Степин В.С., Гусейнов А.А., Семигин Г.Ю. Новая философская энциклопедия. В четырех томах. Т. I. – Москва: Мысль, 2010. – 744 с.
22. *Овчинникова И. Г.* Диалог субкультур (концепты деньги и бизнес в сознании молодых россиян) // Я и другой в пространстве текста. Пермь-Любляна, 2009. – Вып. 2. – С. 256-280.
23. *Попова З.Д., Стернин И.А., Карасик В.И., Кретов А.А. Борискина О.О., Пименов Е.А., Пименова М.В.* Введение в когнитивную лингвистику: Учебное пособие. Кемерово: ИПК "Графика", 2004. – 210 с. (Серия «Концептуальные исследования». Вып. 4).
24. *Потебня А.А.* Из записок по русской грамматике. – Москва: Гос. Изд.-во Министерство просвещения РСФСР, 1958. – Т. 1 – 11. – 536 с.
25. *Сафаров Ш.* Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
26. *Сльшкин Г.Г.* Дискурс и концепт (о лингвокультурном подходе к изучению дискурса) // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс. – Волгоград, 2000. – С. 38-45.
27. *Степанов Ю.С.* Константы: словарь русской культуры: исследования – Москва: Языки русской культуры, 1997 – 824 с.
28. *Стернин И.А.* К разработке психолингвистического толкового словаря // Вопросы психолингвистики. – 2010. – №2 (12). – С. 57-63.
29. *Телия В.Н.* Русская фразеология: Семантический, прагматический, лингвокультурологический аспекты. – Москва: Языки русской культуры, 1996. – 284 с.
30. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: O'zbekiston, 2020. – 591 б.
31. *Хошимов Ғ.М., Юсупжонова Ф.К.* Концепт "голова" и средства его репрезентации в разносистемных языках // "Умумий ва антропоцентрик тилшунослик ҳамда лингвоадабиётшуносликнинг долзарб муаммолари". Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2022.
32. *Хошимов Ғ.М*. Когнитив лингвистикада концептлар назарияси ва уларнинг таксономикаси // "Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари" мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2017. – Б. 26-34.
33. *Юсупов Ў.Қ.* Концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // "Қиёсий-чоғиштирма, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари". Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2010. – Б. 9-15.
34. *Abduvaliyev M.A., Mamadaliyeva H.M.* Ingliz tilida "Hand" tarkibli derivatlarning freym tahlili // "Umumiy va antroposentrik tilshunoslik hamda lingvoadabiyotshunoslikning dolzarb muammolari". Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Andijon, 2022. – B. 168-174.
35. Webster's third New International Dictionary. Cologne: Könemann, 1993. – 2662 p.
36. *Маҳмудова Н.Р*. Инглиз ва ўзбек тилларида градациянинг когнитив ва прагматик жиҳатларининг қиёсий таҳлили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Андижон, 2021. – 27 б.
37. *Юсупова Н.Р*. Олам лисоний манзарасида "миқдор" концептининг ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Андижон, 2021. – 26 б.

ACTUAL PROBLEMS OF LINGUISTIC CONCEPTOLOGY

M.A. Abduvaliyev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 71-83.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: anthropocentric paradigm, concept, cognitive linguistics, court linguistics, commercial linguistics, gender linguistics, differential feature, word meaning.

In this article, the concept as the object of study of linguistic conceptology, a unit of thought, which is the sum of a human knowledge about the external and internal world, its interpretation in world and Uzbek linguistics, the processes of conceptualization of knowledge in human consciousness, the means of linguistic expression of the characteristic features of the concept, semantic structure are studied. , Alongside with this the verbalizers of the concept, their semantics as well as systemic relations between units that objectify the concept, their specific and common features are also described. According to the theories put forward by modern psycholinguistics and neurolinguistics in this regard concepts as products of thinking are non-verbal kept and in the minds of people, concepts form conceptospheres and they consist of concepts as mental units.

Supporters of the semantic-cognitive approach to the study of linguistic phenomena believe that human thinking is non-verbal, which is realized through a universal subject code, and people think in terms of concepts encoded through the sign units of this code. Since the knowledge that has appeared in the human mind is diverse and complex, material and intangible, the individual, social and spiritual world of people, and, if necessary, the territorial, functional and cultural characteristics of knowledge, act as important personality traits. Such qualities are expressed in the semantics of the objectifying units of concepts in word languages. Such approaches serve to develop theoretical and methodological foundations of linguistic conceptology that has become a new branch of linguocognitology.

Summing up the definitions, given by foreign and Uzbek linguists we propose the following definition of the concept: “The concept is the sun of systematized verbalized or non-verbalized knowledge that comes into being as a result of the purposeful mental-logical activities, (thinking, experience, observations etc.) of human being to cognize the external and internal world with the aim of satisfying his/her needs.

Concept, notion and meaning can be considered as open mental and language systems because extention of the semantic structure of the notion and the growth of the number of the meaning cause widening the scope of the conceptual attributes.

The most differential features of the concept and meaning are that the concept is the result of human cognitive thought and meaning is the product of linguistic thought.

Nations and people perceive and name the world differently. This means that every language has its own picture about the world, which is kept in the mind of individuals and nations. Absence of this or that attribute or artributes of the concept in a language can be explained by the fact that this or that difference is not essential for the culture of the nation.

References:

1. Babushkin, A.P., Sternin, I.A. (2018). *Kognitivnaya lingvistika i semasiologiya* [Cognitive linguistics and semasiology]. Voronezh: Ritm.

2. Bahronova, D. (2019). Olamning lisoniy manzarasi tasvirida konsept va konseptosfera [Concept and conceptosphere in the description of the linguistic picture of the world]. *Horijiy filologiya jurnali*. 3. Pp. 62-68.

3. Vorkachev, S.G. (2004). *Schaste kak lingvokulturnyj concept* [Happiness as a linguocultural concept]. Moscow: Gnozis.

4. Vygotskij, L.S. (1992). *Myshlenie i rech* [Thinking and speech]. Moscow: Pedagogika.

5. Gorelov, I.N. (1980). *Neverbalnye komponenty kommunikacii* [Non-verbal components of communication]. Moscow: Nauka.

6. Gorelov, I.N. (2003). O verbalnyh i neverbalnyh sostavlyayushchih rechevogo povedeniya [About verbal and non-verbal components of speech behavior]. *Voprosy psiholingvistiki*. 1. Pp. 13-18.

7. Gorelov, I.N., Sedov, K.F. (1998). *Osnovy psiholingvistiki* [Fundamentals of Psycholinguistics]. Moscow: Labirint.

8. Gorodeckiy, B.Y. (1969). *K problem semanticheskoy tipologii* [To the problem of semantic typology]. Moscow: Publishing House of the Moscow University.

9. Zherebilo, T.V. (2010). *Slovar lingvisticheskih terminov* [Dictionary of linguistic terms]. Nazran: Piligrim.

10. Zhinkin, N.I. (1958). *Mekhanizm rechi* [Mechanism of speech]. Moscow: Publishing House of the Academy of Pedagogical Sciences.

11. Zhinkin, N.I. (1998). *Yazyk. Rech. Tvorchestvo* [Language. Speech. Creation]. Moscow: Labirint.

12. Zhinkin, N.I. (1982). *Rech kak provodnik informacii* [Speech as a conductor of information]. Moscow: Nauka.

13. Zvegincev, V.A. (1968). *Teoreticheskaya i prikladnaya lingvistika* [Theoretical and Applied Linguistics]. Moscow: Prosveshchenie.

14. Karasik, V.I. (2004). *Yazykovoj krug: lichnost, koncepty, diskurs* [Language circle: personality, concepts, discourse]. Moscow: Gnozis.

15. Kacnelson, S.D. (1965). *Soderzhanie slova, znachenie i oboznachenie* [Word content, meaning and designation]. Moscow-Leningrad: Nauka.

16. Kolshanskij, G.V. (1990). *Objektivnaya kartina mira v poznanii i yazyke* [Objective picture of the world in cognition and language]. Moscow: Nauka.

17. Krasnyh, V. (2003). *"Svoj" sredi "chuzhih": mif ili realnost?* ['Own' among 'strangers': myth or reality?]. Moscow: Gnozis.

18. Kubryakova, E.S., Demyankov, V.Z., Luzina, L.G., Pankrac, Y.G. (1996). *Kratkij slovar kognitivnyh terminov* [Concise Dictionary of Cognitive Terms]. Moscow: Moscow State University Publishing House

19. Leontev, A.A. (1976). *Psiholingvisticheskij aspekt yazykovogo znacheniya* [Psycholinguistic aspect of linguistic meaning]. In: *Principy i metody semanticheskih isledovaniij* [Principles and methods of semantic research]. Moscow: Nauka. Pp. 156-169.

20. Maslova, V.A. (2001). *Lingvokulturologiya* [Linguoculturology]. Moscow: Akademiya.

21. Stepin, V.S., Gusejnov, A.A., Semigin, G.Y. (2010). *Novaya filosofskaya enciklopediya* [New Philosophical Encyclopedia]. 4 volumes. Vol. 1. Moscow: Mysl.

22. Ovchinikova, I.G. (2009). Dialog subkultur (koncepty dengi i biznes v soznanii molodyh rossiyan) [Dialogue of subcultures (the concepts of money and business in the minds of young Russians)]. *Ya i drugoj v prostranstve teksta* ['I' and 'Other' in text space]. Vol. 2. – Perm-Lyublyana: Pp. 256-280.

23. Popova, Z.D., Sternin, I.A., Karasik, V.I., Kretov, A.A. Boriskina, O.O., Pimenov, E.A., Pimenova M.V. (2004). *Vvedenie v kognitivnuyu lingvistiku* [Introduction to Cognitive Linguistics]. Seriya: Konceptualnye issledovaniya. Vol. 4. Kemerovo: Grafika.

24. Potebnya, A.A. (1958). *Iz zapisok po russkoj grammatike* [From notes on Russian grammar]. Moscow: State Publishing House Ministry of Education of the RSFSR.

25. Safarov, Sh. (2006). *Kognitiv tilshunoslik* [Cognitive linguistics]. Zhizzah: Sangzor.

26. Sl'shkin, G.G. (2000). *Diskurs i koncept (o lingvokulturnom podhode k izucheniyu diskursa)* [Discourse and concept (on a linguocultural approach to the study of discourse)]. In: *Yazykovaya lichnost: institucionalnyj i personalnyj diskurs* [Linguistic Personality: Institutional and Personal Discourse]. Volgograd. Pp. 38-45.

27. Stepanov, Y.S. (1997). *Konstanty: slovar russkoj kultury* [Constants: Dictionary of Russian Culture]. Moscow: Yazyki russkoj kultury.

28. Sternin, I.A. (2010). *K razrabotke psiholingvisticheskogo tolkovogo slovarya* [To the development of a psycholinguistic explanatory dictionary]. *Voprosy psiholingvistiki.* 2(12). Pp. 57-63.

29. Teliya, V.N. (1996). *Russkaya frazeologiya: Semanticheskij, pragmaticheskij, kulturologicheskij*

aspekty [Russian Phraseology: Semantic, Pragmatic, Cultural Aspects]. Moscow: Yazyki russkoj kultury.

30. Mamadaliyev, A. (ed.). (2020). O‘*zbek tilining izohli lug‘ati* [An explanatory dictionary of the Uzbek language]. 5 volumes. Vol. 5. Tashkent: O‘zbekiston.

31. Hoshimov, G.M., Yusupzhonova, F.K. (2022). *Koncept “golova” i sredstva ego reprezentacii v raznosistemnyh yazykah* [The concept of ‘head’ and the means of its representation in languages of different systems]. In: *Umumiy va antropotsentrik tilshunoslik hamda lingvoadabiyotshunoslikning dolzarb muammolari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari* [Actual problems of general and anthropocentric linguistics and lingual-literary study. Proceedings of the international scientific-practical conference]. Andijon.

32. Hoshimov, G‘.M. (2017). Kognitiv lingvistikada konseptlar nazariyasi va ularning taksonomikasi [Theory of concepts and their taxonomy in cognitive linguistics]. In: *Zamonaviy tilshunoslikning dolzarb masalalari. Ilmiy-amaliy anjuman materiallari* [Current issues of modern linguistics. Proceedings of the scientific-practical conference]. Andijon. Pp. 26-34.

33.Yusupov, O‘.Q. (2010). *Konsept va lingvokulturema atamalari xususida* [About the concept and the terms lingvokulturema]. In: Qiyosiy-chog‘ishtirma, tipologik va umumiy tilshunoslikning dolzarb muammolari. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari [Actual problems of comparative, typological and general linguistics. Proceedings of the Republican scientific-practical conference]. Andijon. Pp. 9-15.

34. Abduvaliyev, M.A., Mamadaliyeva H.M. (2022). *Ingliz tilida “hand” tarkibli derivatlarning freym tahlili* [Frame analysis of derivatives containing ‘Hand’ in English]. In: *Umumiy va antropotsentrik tilshunoslik hamda lingvoadabiyotshunoslikning dolzarb muammolari: Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari* [Actual problems of general and anthropocentric linguistics and lingual-literary study. Proceedings of the international scientific-practical conference]. Andijon. Pp. 168-174.

35. *Webster’s third New International Dictionary*. Cologne: Könemann, 1993. – 2662 p.

36. Mahmudova, N.R. (2021). *Ingliz va o‘zbek tillarida gradatsiyaning kognitiv va pragmatik jihatlarining qiyosiy tahlili* [Comparative analysis of cognitive and pragmatic aspects of gradation in English and Uzbek languages]. PhD dissertation abstract. Andijan.

37. Yusupova N.R. (2021). *Olam lisoniy manzarasida “miqdor” konseptining o‘rni* [The role of the ‘quantity’ concept in the linguistic landscape of the universe]. PhD dissertation abstract. Andijan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АБДУВАЛИЕВ Махаматжон Арабович – филология фанлари номзоди, Андижон давлат чет тиллари институти доценти. E-mail: muhammadjon58@mail.ru